

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОНОПОЛИЯДАН ЧИҚАРИШ ВА
РАҚОБАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

368 «Рекламани жойлаштириш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил
18 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1024-4*

(2010 йил 28 октябрдан кучга киради)

«Реклама тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 178¹-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонунига мувофиқ Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси **қарор қилади:**

1. Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2001 йил 26 мартдаги «Рекламани жойлаштириш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 4-сонли қарорига (рўйхат рақами 1024, 2001 йил 6 апрель) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, Давлат қўмиталари ва

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й.

идораларнинг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2001 йил, 7-сон) иловага* мувофиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

Раис

Ж. ИСМАИЛОВ

Тошкент ш.,
2010 йил 14 октябрь,
1634/2-сон